



“ТАРБИЯ”НИНГ ҚАЙТИШИ



Кўп асрлик тажриба ва закий олимларнинг саъй-ҳаракати билан тарбияга доир улкан илм шаклланган. Ҳозирги ахборот асрида ана шу илмдан хабардор бўлмай, чин маънодаги комил инсон бўлиш мумкин эмас (беҳабар бўлса, умри қийинчиликда ўтади холос). Бу илмга киришишдан олдин бир аниқ ҳолни эътироф этиш лозим: ижтимоий борлиқда пайдо бўлган зурриёт илм тарбияни ота-онасидан олади!

⇒ 3-бет

БЛОГЕР — ЎШАК ТАРҚАТУВЧИ БЎЛМАСИН!



... Халқимизда: “Айтилган сўз — отилган ўқ”, деган гап бор. Эҳтимол, кўчада юрганнинг бари — блогердир. Чунки, юқорида айтганимиздек, ҳар бир инсонда сўз эркинлиги, ундан фойдаланиш ҳуқуқи бўлганидек, фикр айтиш, маълумот тарқатиш ҳуқуқи ҳам бор. Аммо бу дегани ёлгон-яшиқ, яъни тўғри келган ўшак гапни тарқатиш мумкин дегани ҳам эмас!

⇒ 4-бет



ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚАВАТ

... Яна бир зарб берилса — тўққизинчи қават. Рўпарада лифть яшайди. Ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмайдиган одам. Чироқ қуйса ҳам, жўмрак бузилса ҳам, шу одам балоғардон. Лалига солиб ўтирмайди, дарров келадию, бир зумда тузати беради. Паканагина, жиккагина. Юмалоққина юзи доим кулиб туради. Ўзи — театрнинг собиқ саҳна безовчи устаси, аёли — опера хонандаси.

⇒ 7-бет

АРАФА

Қалбларда ҳаловат ва эзгу илтижо

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!

Кутлуг айём — Ийдул Адҳо, яъни Қурбон ҳайити арафасида турибмиз. Юртдошларимиз ёруғ юз билан бу кунни қарши олмақдалар. Тилларда шукрона, қалбларда буюк бир ҳаловат, эзгу ил-

тижо. Аввало, кириб келаётган бу айём барчангизга муборак бўлсин!

Шу муборак кунларда “Hurriyat” газетаси жамоасини ва у орқали барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити байрами билан муборакбод этаман.

8

ТААССУФ

Мақсад жазолашми?

ёки ички ишлар вазирлиги мулозимининг “план”ни тўлдириш ҳақидаги “топшириғи”дан кейинги мулоҳазалар

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда тарқалган овозли ёзув кўзи очиқ одамларни ларзага солгани бор гап. Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги муҳбирларининг билдиришича, ушбу овозли хабар подполковник Фаррух Холовга тегишли бўлиб, у ҳар бир профилактика инспектори кунига камида 5 тадан маъмурий баённома тузиш, режада

белгиланган жаримани тегишли тартибда бажариш ҳақида топшириқ берган.

Бундан ташқари, видео хабарда: “Ҳозир селектор тугади, шаҳар раҳбариятидан Вафоев ўтказди (полковник Маҳкам Вафоев, Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг ёшлар масалалари бўйича уринбосари Х.Қ.). Сўров қаттиқ бўлди.

4

АДАБИЙ ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

БОТИНДАГИ БЎРОН

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ижодига бир назар

Эркин Аъзам ҳақида гап очилса, муҳлиси муҳолиф бир масалада яқдил: “Эркин Аъзам сўзни ҳис қилган, унинг таржимаи ҳолини билладиган ижодкор!”

Сталин даврида тугилган авлод эсини таниганда “эрувгарчилик” эди. Урта мактабни битириб, ёзувчи бўлиш мақсадида Тошкентга келганида бутун империя йўқсиллар доҳийси таваллудининг 100 йиллигига таяёрларлик завқи билан яшарди. Қадим Шошнинг ҳаво-сига мослашмаган ўн етти ёшли йигитнинг ҳаётида кутилмаган бир ҳодиса рўй беради, то ҳануз бу гурун-сўхбатларда эсланади. Эркин Аъзам, Усмон Азим, Муҳаммад Раҳмон — “ҳали студент бўлиб-бўлмаган, Абдулла Қаҳҳорни мактаб дарсликларидангина “яхши” билладиган, лекин адабиёт деса, ёзувчи деса ўзини томдан ташлашага тайёр уч бола” ёзувчи Дадаҳон Нурий маслаҳати билан Дўрмонга — Абдулла Қаҳҳорнинг уйига боради: “Уша, кўп марта лаб таъриф этилган беҳи остидаги салқин чорпоя, саратон, тушдан кейинги палла, елкасига тўн ташлаб олган мўсафид адиб, у кишига тўймай термилладиган уч бола, уч муҳлис. Устоз ўзини ана шу болалар билан тепла-тег тутиб, адабиётнинг бор сир асрори ҳақида эринмай, худди эски танишлардек бамайлихотир сўхбатлашиб ўтирибди”.

Эркин ака сўхбат тафсилотларини матбуотда ҳам, давраларда ҳам кўп айтган. Эшитганим шуки, “ғўр бир бола” — Эркин Аъзам “Сароб” романи қаҳрамонларидан бирини танқид қилишга тушиб кетади. Маҳмадона йигитнинг қайси вилоятдан эканини билган Абдулла Қаҳҳор: “Э-э, шундай жойлардан Шукруга ўхшаган ёзувчи чиқди-я?!” —

дегандек бўлади. “Бу гап эътирофимди ёки ҳайрат — ҳозиргача тушунолмаман”, дейди Эркин ака.

Шукур Холмирзаев “очган ариқ”дан сув ичган ёш адиб 1974 йилда “Гулистон” журналида эълон қилинган “Шаҳардан одам келди” ҳикояси билан тилга тушади. Эркин ака ҳамшаҳар устознинг “Чиксангиз — серъезнироқ нарса билан чиқин!” деган маслаҳатини ҳозир ҳам эслайди. Уша йили “Шарқ юлдузи”да унинг бирйўла уч-ҳикояси — “Кўк эшик”, “Кўшиқ айтилади” ва “Хотира” чоп этилади. Навқирон дунёқараш маҳсули бўлган бу ижод намуналари катта адабиётга кириш учун васиқа бўлди. Катта адабиёт — миллий насримиз эса фирқанинг етовиди эди. Уша замонларда “йўл харитаси” чизишни хуш кўрадиган адабий танқидчилик “ГЭСни ёз, БАМни ёз, улкан мавзуларда ёз, фош қил, ур!” деб тургандан кейин замонавий ўзбек насри учун мустабиднинг қиёфаси, топталган миллат маърифати, узангиси зангламас суворийлар қисмати, оловланган ўзбек тупроғи каби мавзулар, албатта, “беғона” бўлади-да! Сунъий вакуумда тоза ҳаво истаган қаламкашлар, алданган авлоднинг андишали адиби Эркин Аъзам таъбири билан айтганда, “автотасувида йўловчининг чўнтагидан абонементи тушиб қолса ҳам ҳикоя қилиб ёзган”.

5

БУГУННИНГ НАФАСИ



Эртанги кунга ишонч саодати

Кўҳна ва навқирон Самарқанд дунё харитасида ҳар жиҳатдан ёрқин, замини серфайз, ҳавоси мўътадил жой сифатида таъриф этилади. Қадимдан мажбур тарихий обидалар қурилишида архитектура-меъморчилик санъатининг ўзига хос услублари, бошқа ҳеч бир юртда такрорланмаслиги сабаб ҳам: “Самарқанд сайқали рўйи замин аст”, дея юксак баҳо берилади.



Бу замин не-не улугларни вояга етказган макон ҳисобланади. Яхши биламизки, бу заминда Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, тарихчи Абдураззоқ Самарқандий, фикр илми намойнаси Мотурудий, фалакиёт-шунос олим Мирзо Улуғбек каби дунё илми ривожига улкан ҳисса қўшган улуг зотлар туғилиб вояга етишган.

Вилоятда бугунги кунда 14 та туман ва иккита шаҳар мажбур бўлиб, улар орасида ўз ўрни, салоҳияти жиҳатидан Тойлоқ тумани ажралиб туради.

Шунингдек, Тойлоқ тумани Самарқанд шаҳри билан елкама-елка жойлашган. Шу сабаб иқлими бир, илми салоҳияти барқарор, яратувчанлик кайфияти юксак манзиллардандир.

2

АЙТГАНЧА

Бош прокуратура «Сардоба сув омбори ҳодисалари» юзасидан расмий баёнот тарқатди

Аввал хабар қилинганидек, жорий йил 1 май куни юз берган “Сардоба” сув омбори тўғриси ўтирилиши ва бунинг оқибатида катта ҳажмдаги ер майдонларини сув босиши бўйича Жиноят кодексининг 207 ва 258-моддаларида назарда тутилган жиноятлар аломатлари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Аниқланишича, сув омбори 2010-2017 йилларда қурилган бўлиб, лойиҳага буюртмачи сифатида “Сирдарё сув қурилиш инвест” ДУК (Сув ҳўжалиги вазирлиги), бош лойиҳачи - “UzGip” МЧЖ, бош пудратчи - “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” УК (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ) танланган. Сув омбори қурилишига давлат бюджетидан 1,2 трлн. сўм сарфланган. Сув омборидан фойдаланиш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли “Сардоба сув омбори объектларидан фойдаланиш ва ривожлантириш дирекцияси” томонидан амалга оширилган.

4



ШУНДАЙ ДЕДИ

Дилшод САИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги АОКА директори биринчи ўринбосари:



... Журналистларга нисбатан ўтказиладиган ҳар қандай таъйиқ ёки босим Ўзбекистон Президенти томонидан олиб борилаётган очиқлик сиёсати ҳамда сўз эркинлиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга мутлақо тўғри келмайди. Бундай ҳолатларнинг содир бўлиши Ўзбекистоннинг халқаро имиджига путур етказиши ҳамда давлат органларига нисбатан ишонсиз муносабатлар вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, давлат органлари ҳам, ОАВ ва блогерлар ҳам ахборот соҳасидаги қўнунчиликка бўйсунуши шарт, томонлар ўртасида пайдо бўладиган ҳар қандай низоли вазият мавжуд қонунлар, шунингдек, суд тизими доирасида ҳал қилиниши зарур.

Эртанги кунга ишонч саодати

УЛУГЛАР ҚўНИМ ТОПГАН ЖОЙ

1 Тарихий манбаларда келтирилишича, Тойлоқ (қадимий номи Шовдор) Ўзбекистоннинг энг қадимий гўшаларидан бири, Самарқанд шаҳрининг жануби-шарқида жойлашган. Бу аҳоли турар-жой маскани Урта асрларда Шовдор деб номланган. Мирзо Бобур «Бобурнома» асарига шундай ёзади: «...Яна бири Шовдор туманидур... Хейли яхши тумандур... Миср ва Шом кўрган равандалар бу чоғлик ердин нишон бермайдурлар».



Захириддин Муҳаммад Бобур яна Шовдор туманида Сохибирон Амир Темур Бобомиз томонидан Боғизогон, Боғи Дилқушо ва Боғи Давлатобод каби боғлар бунёд этилганлигини таъкидлайди.

Тойлоқ заминидан улуг муҳаддис Абдурахмон ад-Дорамий, буюк маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Беҳбудий яшаганлар. Машҳур тарихчи Абу Тохирхўжа «Самария» асарига имом Абдурахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ҳақида тўхталиб: «Шайх Абдурахмон Дорамий ҳадис айтувчилардан. У Самарқанд музофотидаги бурунларда Дорам деган қишлоқдан бўлганлиги учун Дорамий деб донг чиқарган», дейди.

«Самария»да яна бир улуг инсон ҳақида маълумотлар бор: «Ҳазрат Хожа Сақо мазори Шовдор туманидаги Сақо деган жойда, баланд бир тепанинг кун ботарида ва унинг остида жойлашган. Ушбу тепа эса Амир Темур томонидан солдирилган Дилқушо боғининг жануб томонидадир. Хожа Сақо Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳалифаларидандир».

Туман ҳудуд жиҳатидан Самарқанд вилоятидаги энг кичик туманлардан бири бўлса-да (ер майdonи 0,272 минг квадрат километр), аҳоли сони буйича вилоятда олдинги ўринларда туради. Айни пайтда, бу ҳудудда 186 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади.

Тойлоқ туманида коронавирус балосини бартараф этиш, унинг янада кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш учун кучайтирилган карантин қоидалари кечаётган пайтда бўлганига қарамай, барча тармоқларда тизимли фаолият йўлга қўйилганини эътироф этиш жоиз.

Баҳодир БОБОНАЗАРОВ, Тойлоқ тумани ҳокими:
— Дунёни забтга олиб турган коронавирус пандемияси ҳали ҳам минтақалар буйлаб тарқалишда давом этмоқда. Мамаляктларнинг иқтисодийётига, турмуш тарзига катта таълаф етказмоқда.

Шундай бўлса-да, одамларимизда эртанги кун умиди

Шунингдек, туманда 120 хонадонга мўлжалланган 2 та 12 қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган эди. Ҳозирда 1 тасида тўлиқ қурилиш ишлари якунланди. Мазкур 12 қаватли 60 та хонадондан иборат бинода пардозлаш ишлари бошланди.

Фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида қурилиш олиб борилаётган массивда «Agromir Buildings» масъулияти чекланган жамиятининг вакиллари томонидан бунёд этилаётган уй-жойларни сотиш учун тўғридан-тўғри фуқаролар билан шартномалар тузиш ва мазкур замонавий хонадонларни имтиёзли равишда узоқ муддатли кредитлар асосида харид қилишни истовчиларга эса керакли маълумотлар бериб боришмоқда. Бу эса шубҳасизки, аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда.

БИЛИМ ИЗЛАГАН ИЛМГА ЕТИШАДИ

Гарчи бугун Тойлоқ деб аталаётган бўлса-да, қадим Шовдор тумани ўзига хос илм масканларидан эканлиги тарихдан маълум. Шунданми, истиқлол йилларида ҳам таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда тумандаги 60 та умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг барча қўлай шартноларда таълим олишини таъминлаш мақсадида қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилди. 4 та янги мактаб барпо этилди, 40 дан ортқ мактабларда мухташам қўшимча биналар қад ростлади. Замонавий спорт заллари спортсевар ёшлар, Болалар мусиқа ва санъат мактаби эса санъатсевар ўқувчи-ёшлар ихтиёрига топширилганлиги келажак авлодга берилаётган юксак эътибор намунасидадир.

Тойлоқ тумани умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 37 183 нафар ўқувчиларга 2712 нафар педагог ходимлар таълим-тарбия бериб келмоқда. Шундан, олий маълумотли ўқитувчилар 2273 нафар, тугалланмаган олий 28, ўрта махсус маълумотта эга ўқитувчилар 371 нафарни ташкил қилади.

Мазкур йилнинг январь ойида ўтказилган педагог кадрлар аттестациясида 726 нафар ўқитувчи иштирок этиб, 212 нафари малакаси буйича II тоифали ўқитувчи номини қўлга киритишди.

Барча минтақаларда PISA баҳолаш тадқиқотлари ўқувчиларнинг иқтидорини, ўзлаштириш даражасини белгилаш йўналишида сифат ва самараси буйича алоҳида аҳамият касоб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Халқ таълими тизимини таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан туман халқ таълими бўлимининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тадқиқотга тайёргарлик қўриш мақсадида 22-, 57-умумтаълим таянч мактаблари танлаб олинган. Бугунги кунда ушбу таянч мактабларида 2021 йилдаги тажриба синовида қатнашадиган ўқувчилар рўйхати шакллантирилди. Тайёргарлик ишлари босқичча-босқич олиб борилаётти.

Бундан ташқари, тумандаги 22-умумтаълим мактаби 2021 йилда информатика фанига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига айлантириш тақлифи Халқ таълими вазирлигига тақдим этилган.

КИЧИК САНОАТДА КАТТА ИШТИЁК

Туманда кичик саноат зонаси яратиш мақсадида 8,9 гектар ер майdonи ажратилган, қурилиш ишлари лойиҳа сметаси асосида олиб борилаётти.

Дастлабки 9 та ташаббускорлар томонидан тақдим қилинган лойиҳалар доирасида умумий қиймати 21,1 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган, натижада 294 та янги иш ўринлари яратилади.

«ТЕМИР ДАФТАР» ИШГА ТУШГАНДА...

Бутун дунёга ташвиш келтираётган кўзга кўринмас офат, яъни коронавирус пандемиясидан сақланиш мақсадида «Уйда қолинг!» акцияси йўналишида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида Тойлоқдаги янги 50 та маҳалла тўлиқ қамраб олинган ҳолда, иқтисодий комплекс ходимларидан ташкил қилинган ишчи гуруҳлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари аъзолари билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатлами таҳлил қилиниб, 10137 нафари «Темир дафтар»га киритилди ва уларга 1 миллиард 800 миллион сўмлик кўмак кўрсатилган.

Шунингдек, аҳолини меҳнатга бандлигини таъминлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилганлиги шундан ҳам маълумки, бир ярим минг ишсизлар доимий ишга жойлаштирилган, 15 нафар фуқаролар оилавий тадбиркорликка, 8 нафари хунармандликка, 45 нафари саноат ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига, 65 нафари эса тақрорий экин экиш ишларида, 118 нафари қурилиш, 890 нафари жамоат ишига, 327 нафари эса бошқа турли ишлар билан таъминланган.

Тумандаги банк филиаллари кўмағида 174 та оилага 3 миллиард 603 миллион сўмлик лойиҳалар вилоят комиссиясига тақдим қилиниб, ижобий хулосалар олинган. Ҳозирда кредит маблағларини молиялаштириш ишлари олиб боришмоқда. Шундан, паррандачиликни ривожлантиришга йўнал-



тирилган 5 та лойиҳа учун 100 миллион сўм, иссиқхона бунёд этишга қаратилган 125 та лойиҳага 2 миллиард 422 миллион сўм, чарвачиликни қўлайитиришга 16 та лойиҳа тақдим этилган, йўналтирилган маблағ 406 миллион сўмни ташкил этади. 11 та лойиҳа эса 289 миллион сўмлик бўлиб, уруғлик картошка етиштиришга қаратилган.

ИНВЕТОР — КЕЛАЖАККА ЯНГИЧА ҒИДАШИШ ИСТИҚБОЛИ

Туманда 2020 йилда умумий қиймати 149 миллиард 966 миллион сўмлик 43 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобида 602 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилибди. Шундан, 60 миллиард 982 миллион сўми маҳаллий иш қирувчилар маблағи бўлса, қолган 11 миллиард 850 миллион сўми банк кредити, 2 миллион 684 минг АҚШ доллари хорижий кредит асосида шакллантирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 17 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши белгиланган.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида туманда жорий йилнинг 30 июнь ҳолатига кўра, 17 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига умумий қиймати


37 миллиард 867 миллион сўмлик, шундан, 22 миллиард 311 миллион сўм ўз маблағи, 1 миллиард 300 миллион сўм банк кредити, 1 миллион 493 минг АҚШ доллари хорижий кредит маблағлари ўзлаштирилиши натижасида 170 та янги ишчи ўринлари яратилганлиги эътирофга молик, албатта.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида «GOLDEN CHICKEN PLYUS» МЧЖ томонидан 2020 йил декабрь ойида амалга оширилиши режалаштирилган умумий қиймати 14 миллиард сўмлик, шундан, 6 миллиард сўми ўз маблағи, 8 миллиард сўми банк кредити ҳисобидан «Балиқчилик комплекси»ни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилган, йилга 300 тонна (форель, лаққа, венгерия карпи) балиқ етиштирилади. Натижада тумандаги 25 нафар ёш доимий иш билан таъминланади.

Саноат соҳасида «ORZU ABLAKULOV SERVIS» МЧЖ томонидан 2020 йил декабрь ойида амалга оширилиши режалаштирилган, умумий қиймати ва ўз маблағи ҳисобидан, 10 миллиард сўмлик, «Мебель ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш»ни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилиши натижасида тумандаги 49 нафар ёш доимий иш билан таъминлашга эришилади.

Хизмат кўрсатиш йўналишида «Агро наъмуна» МЧЖ томонидан 2020 йил сентябрь ойида амалга оширилиши режалаштирилган, умумий қиймати 5 миллиард сўмлик, «Автомабилларга сиқилган газ қўйиш шахобчаси»ни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилган аҳолига йилга 3 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилади. 5 нафар ёш доимий иш билан таъминланади.

Туман дастурий лойиҳалар доирасида «TOYLOQ BAXMALI» хусусий корхона томонидан, Хитой технологиялари асосида, умумий қиймати 1 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридан «Енгил автомобиллар учун 13, 14, 15 ўлчамдаги дискалар ишлаб чиқариш» лойиҳаси жорий йилнинг сентябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган.



Ушбу дискалар учун хомашё Россиянинг ПАО «Северсталь» корхонаси томонидан келтирилиб, йилга 390 минг дона енгил автомобиль дискалари ишлаб чиқарилади ҳамда тумандаги 30 нафар ёш доимий иш билан бандлигига эришилади.

ДУНЁ САРИ ҚўЙЛГАН ҚАДАМЛАР

Ҳозирги кунда дунёдаги энг йирик онлайн харидорларга эга «Alibaba» тизимидан ортимиз хусусий тадбиркорлари ҳам фойдалана бошлади. Ташқи бозорда янги харидорлар топиш ва экспорт ҳажмини замонавий йўллар билан ошириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ичда эса биринчилардан бўлиб Тойлоқ тумани ана шу тизимдан фойдаланишни йўлга қўйди.

Чунки, туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотли етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар сони кун сайин ошиб бормоқда. Уларнинг маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш туман ҳокимлиги инвестициялар ва ташқи савдо бўлими вазифаларидан бири ҳисобланади. «Alibaba» веб сайтида яратилган «TAYLAK DISTRICT COMPANIES» профили экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу манзилда фермер хўжалиқларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларнинг маълумотларини жойлаштириб бориш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, тумандаги айрим фермер хўжаликлари алпаққан мазкур тизимдан фойдаланишга ўтган. Жумла-

дан, экспортёр корхона «Muzaffarova Shahnoza Nuriddinova» фермер хўжалиги «Alibaba» сайтида «Goldsupplier» аъзолик профилини очиб орқали Бразилия, Хитой, Россия ва бошқа давлатлардан янги ҳамкорлар топиб, ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

ТУМАН ТАРТИБСИЗЛИК МАСКАНИ ЭМАС

Туман прокуратураси томонидан мазкур йилнинг 6 ойи давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ижтимоий-иқтисодий соҳа йўналишидаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган 15 та текширишлар натижасига кўра, 27 та қонунга зид ҳужжатларга протест келтирилди, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 23 та тақдимнома киритилган. Қонунбузилишини олдини олиш мақсадида 25 нафар шахс расман огоҳлантирилиб, қарорлар ва тақдимномаларни қўриб чиқиши натижасида 17 нафар шахсга интизомий, 2 нафар шахсга маъмурий чора қўрилди. Эътиборини 151 миллион 484 минг сўм зарар ундирилиб, 7 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.



Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибга мувофиқ мавжуд вақтинча ишсиз юрган фуқаролар, айниқса, ўсмир-ёшлар, хотин-қизлар, меҳнат бозорида иш топишда қийналаётган ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли тоифаларини ишга жойлаштириш кафолатларини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, туман прокуратурасининг аралашуви билан 2020 йилнинг 6 ойида 275 нафар шахс турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назорати ўрнатилиб, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳолига тушиб қолган, ногиронлиги бўлган оилаларга ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка, касаначиликка кенг жалб этиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ҳамда оилавий ажримларни олдини олиш буйича мунтазам равишда ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, ўрганишлар давомида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган Қўрғонча МФИда яшовчи Ниғина Тўхтаева ва Нурли йўл МФИда яшовчи Ниғулар Расулова кам таъминланган эҳтиёжманд эканлиги аниқланиб, уларга уй-жой коммунал тўловининг 10 фоизи тўлаб берилиши буйича махсус рўйхатга киритилиши таъминланди.

Бундан ташқари, прокуратура асосий эътиборни тадбиркорларнинг қонуний ҳимоясини таъминлаш, бозор ва коммунал соҳаларда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга оид қонуний ижросини таъминлашга қаратилганлиги маълум бўлди.

Бир сўз билан айтганда, «Туман тартибсизлик маскани эмас» тамойилига амал қилиб, шу кунларда коронавирус пандемияси катта-кичкини саросимага солиб турган бир шартнода ҳам туман мутасаддилари, ходимлар, ишчи-хизматчилари келажак пойдеворини яратишда собитқадамлик билан меҳнат қилишмоқда.

Албатта, бугун қай бир соҳага, қай бир манзилга эътибор қаратманг, ҳеч кимга, ҳеч бир жойда осон бўлаётгани йўқ. Сабаби маълум: коронавирус деган бало ҳаммани ўз «синовини»дан ўтказмоқда. Ишни ташкил этиш, жойларда одатдагидек эмин-эркин фаолият юритишнинг имкони йўқ. Қатъий карантин чораларига амал қилиш шарт. Негаки, биринчи навбатда, одамлар, эп-юрт саломатлиги муҳим.

Шу маънода, туман тиббиёт, санитария-эпидемиология оқолиштаклиги маркази ва бошқа тегишли ташкилот-корхоналарда бунга жиддий эътибор қаратилаётти. Айниқса, туман шифокорлари, тиббиёт хизматчиларининг меҳнати таҳсинга лойиқ.

Албатта, бугунги кун қаҳрамонлари — илгор фидойи тиббиётчилар фаолияти алоҳида бир мавзу. Кўнглимизда кейинги чиқишларимизда тойлоқлик шифокорлар меҳнати, жасорати ҳақида алоҳида тўхталоқчимиз. Энг муҳими, туман аҳлининг эзу ниятлари амалга ошииб, қўзалган мақсадларига эришин. Аҳолининг турмуши фаровонлашиб, эртанги кунга ишончи янада ошаверсин.

Ниғина РАҲМАТОВА,
Тойлоқ тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.
Убайдулло ҲУЖАНИЕЗОВ,
«Hurriyat» муҳбири.



барқарор. Бу бало кун келиб, албатта, барҳам топади, ҳаёт яна ўз ўзанида давом этади. Инсонларда эртанги фаровон ҳаётга бугун замин яратиш иштиёқи бор экан, бунёд этиш, юксалиш ҳаракати давом этаверади.

Демоқчимани, эртанги захирасини бугун яратиш бурчимиз. Шу сабаб, туманимиздаги барча жаҳалларда янгиланиш, яратиш ишлари кизгин давом этмоқда. Президентимиз айтганидек: «Биз биргаликда катта кучмиз. Бу пандемияни албатта енгамиз».

ТУМАН МАРКАЗИДА КАД РОСТЛАЁТГАН СИТИ

Айни кунларда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқларини амалга ошириш, Ургут ва Тойлоқ туманлари марказида «Agromir Buildings» масъулияти чекланган жамияти иштирокида арзон, кўп қаватли уй-жойлар қурилиши ишлари давом этмоқда.

Тойлоқ тумани марказида 16 та 10 ва 12 қаватли уй-жойлар барпо этилиб, 960 дан ортқ квартиралар, бозор инфра-тузилма объектлари, маҳалла маркази қурилмоқда. «Бизнинг ҳам ўз ситими бўлади», дейишмоқда тойлоқликлар. Уй-жойларнинг бирлаши нархи 1 м.кв. учун 4,4 миллион сўмни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда 4 та уй-жойда 360 та хонадон қурилиши ишлари тўлиқ тугатилиб, фуқароларга расмийлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

AKC-САДО

"Hurriyat" gazetasiда анчадан бери таълим бўйича жаҳон тажрибаси ўрналиб, туркум мақолалар эълон қилинган...

Беҳуда ўтган йиллар изтироби



Талаба бўлганим учун, фикримни таълим тизими муаммоларидан бошласам. Бизнинг таълим тизимимизда ҳам кейинги йилларда кўп ўзгаришлар бўлди, албатта.

Этибор берганимиз, бошланғич таълимда 1-синф ўқувчиларига кўп ҳолларда ёши 50 дан ошган педагог синф раҳбари этиб тайинланади.

Олий таълимни битирган ёш кадрларни қандай тизим қутаётгани кундек равшан. Мисол учун, бакалаврни "амал-тақал" тутатиб, ишга жойлашган ўғил-қизларнинг таърибига ортириб, кўнимка ҳосил қилиши учун яна камида 10 йил керак бўлади.

Балки республикада пенсия ёшани қисқартириш керакдир. Бу шахсий фикрим, албатта. Унда турли соҳаларда кадрлар тақчиллиги юзага келадими, деп сизми? Йўқ, шовшилманг, кадрлар етиб ортади.

Бизда таълимни ислоҳ қилишда янги услублар, метод ва дастурлардан фойдаланишдан олдин, аввало, ундаги кадрлар масаласига ечим топилиши керак.

Лобар ТҮРАЕВА,

Коркалпоқ давлат университетининг Коркалпоқ филология ва журналистика факультети талабаси.

ДАРВОҚЕ

Блогер — ўшак тарқатувчи бўлмасин!

— Ассалому алайкум, аввало, маъзур тутасиз, ҳамма сизни ўлдига чиқаришувди, ҳайрият тирик экансиз, буни ошкор этиш учун сиздан интервью олмоқчи эдим... — Сиз кимсиз? — Блогерман... — Эй! Тинч қўлинг, ўзи сизларга тушунмай қолдим-ку!

Ишонинг, бу эртак эмас, тирик одамларни ўлдига чиқариш тобора одат тусини олаётти. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да. Дунёдаги баъзи давлатларда интернет биздан кўра анча ривожланган.

Тўғри, блогерларимиз орасида масалага жиддий ёндашиб, таҳлил қилиб, фақат расмий тасдиқланган маълумотни бўлишадиганлари ҳам бор.

Аксига олиб, шу кунларда блогерлар билан боғлиқ ноҳус ҳолатлар ахборот майдонидан тез-тез рўй бермоқда. Эйтибор қилиясизми? Тарқалаётган хабарларга кўра, "Маргилонлик сохта блогер 8 кунга қамалди".

- Бу гапни қаердан олгандингиз? — Телефонда айтишувди... — Ким? — Билмайман, битта аёл... — Нега суриштирмай, ўзингиз аниқ билмаган маълумотни тарқатдингиз? — Пушаймонман. Текширмасдан, суриштирмасдан вилоят ҳокими Тўра Боболовга таъзиянома эълон қилиб юбордим...



вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимидан олганлигини маълум қилиб, ушбу аёлнинг исмини айтмаган. Нотаниш аёл ўз телефон рақамидан 24 июль кун соат 08:00 ларда кўнгирак қилиб, аввалга муаммолари ҳақида айтган.

Албатта, блогерга нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари қўрилади. Аммо масала шу билан ечим топармикан... Тўра Боболов эса яқиндагина блогерларни ҳокимият идорасига тўплаб, барчасига қимматбаҳо совғалар берганига пушаймон чекабатан бўлса ажаб эмас.

шифоҳондан туриб: "Мен борман, даволанялман, ҳозир аҳолим анча яхши", деб видео мурожаат қилишга мажбур бўлди... Бу воқеа битта мисол эмас.

Блогерлар маълум ижтимоий масала бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва кузатишларини бошқалар билан Интернет орқали баҳам кўргани яхши. Блогда жой-

лаштирилган материаллар фикр-мулоҳаза, таҳмин, эътироз, танқиддан иборат бўлиши мумкин. Лекин асло халқни чағалтиришга, ишонсиз, ёлгон хабар тарқатишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ.

Ушбу блогер деб биладиган одамнинг шахсий позицияси, йўналиши, тематикаси бўлиши ва мунтазам ишончли манбалар асосида пост ёзиши керак.

Ушбу блогер деб биладиган одамнинг шахсий позицияси, йўналиши, тематикаси бўлиши ва мунтазам ишончли манбалар асосида пост ёзиши керак.

Бош прокуратура «Сардоба сув омбори ходисалари» юзасидан расмий баёнот тарқатди

Дастлабки терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги асосий таҳминлар текширилди. Лойиҳалашдаги хатоликлар, қурилиш жараёнида меъёрларга риоя қилмаслик, эксплуатация жараёнидаги хатоликлар, табиий офат.

Мазкур 4 та таҳмин тегишли экспертиза муассасаси экспертларидан ва гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, қурилиш, эксплуатация қилиш, қурилиш экспертизаси, тупроқ ва сувнинг хоссалари ва бошқа бир қатор масалага дахлдор соҳаларга мансуб 30 нафар мутахассисдан иборат Комиссия ёрдамида текширилди.

Экспертиза хулосасига кўра, сув омбори тўғонининг ўпирилишига қўйидаги омиллар сабаб бўлган:

- 1. Лойиҳа ҳужжатларидаги хато ва камчиликлар. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари тегишли экспертизадан ўтиб, тасдиқланганидан кейин ишчи-лоиҳа ҳужжатларини тайёрлаш вақтида конструкцияга (қияликларнинг балангликка нисбати, ҳимоя ва филтративчи қопламаларнинг характеристикаларига) лойиҳачи томонидан ўзбошимчак билан, асосланган ҳолда, тўғоннинг ишончлиги ва турғунлигини таъминламайдиган даражага олиб келган ўзгаришлар киритилган.
- 2. Қурилишдаги хато ва камчиликлар. Тўғоннинг танасини ташкил қилган тупроқнинг зичлиги лойиҳавий талабдан паст ва тупроқ тежислардан тозаланмаганлиги оқибатида улар чириб,

бўшлиқлар ҳосил қилган, ҳимоя қатламга ётирилган харсанг тошларнинг диаметри лойиҳадаги ўлчамлардан бир неча бор катта бўлган ҳолда, харсанг тош қопламаси лойиҳа ҳужжатларида белгиланган қалинликдан кам, тошлар нотеки, сифатсиз жойлаштирилган ва катта диаметри тошлар ўртасидаги бўшлиқлар майда тошлар билан тўлдирилмаган.

Жинойят иши доирасида қурилишга сарфланган бюджет маблағларининг асослигини текшириш мақсадида ҳужжатли тафтиш ва бажарилган ишлар ҳажмларининг назорат ўлчови тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси мутахассислари раҳбарлигида мутасадди идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат комиссия томонидан ўлчов ва тафтиш ишлари олиб бориюмоқда.

Тергов органи томонидан жинойятнинг сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитларни, айбдор шахслар доирасини аниқлаш билан бирга, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириюмоқда.

Олмазор тумани йўқ, "больше не существует" биз учун деярли. Ҳозир эшит, диққат билан! Кечқурун ҳам 22:00 да селектор, мен кирман. Уч кундан буён "протокол" (хўжубузарлик учун тузилган маъмурий баённома Ҳ.Қ.) бермаёйсизлар.

Ҳар бир "участковой" бештадан "протокол" тузсин, ҳар хил модда билан. Майли, агар суд ишламаса, "арест" (маъмурий қамок жазоси) қилмасин, жин урсин. Бошқа модда билан "протокол" тузсин. Қийин бўлган жавоб бериш, сизлар кирмайсизлар-да, селекторга.

Менга гапирялсан "одамлар ўлиб кетяпти", деб. Қўлингдан келмайди одамларни қўтқарсин. Фақат шунинг олдини олиш бўйича ишлайсан, кимгадир ердан берасан, 183 (майда безорилик назарда тутилмоқда Ҳ.Қ.) бўйича "протокол" тузилса, шу ёрдамнинг бўлади. Ижтимоий

кейин бу тарқаб кетди, очиги билмадим. Биласиз, фуқаролар кўчада никобсиз юрса, барбир чора қўриш керак. Йўқса бир-бирига юқадди, касаллик тарқайди. Қаердадир жанжал бўлса, профилактика инспекторини юборамиз, чора кўради, оғир жиноятларнинг олди олинадди. Бу фақат олдини олиш учун, тинчлик-осойишталикни таъминлаш учун қилинган нарсаси эди, бировларга ёмонлик учун эмас.

Ҳеч қанақа режа йўқ, агар никоб бўйича чора кўрмасан, ҳамма никобсиз юради ва бир-бирига юқтириб, вазиятнинг дабдаласини чиқаради. Бунга чора кўрмасан, бўлмайди-ку... Лекин, бу жавоблар вазиятдан чиқиб кетиш учун айтилган баҳонадан бошқа нарсаси эмасга ўхшайди.

Чунки, Тошкент шаҳри кундан кунга кен-сан, демак, ишлаш керак. Коронавирус, коронавирус, коронавирус дейсанлар. "Результат" қилиб бер менга", деб гапирган. Энг қизиғи, ушбу гаплар, уяли алоқа воситасига ёзиб олинган овозли хабар ижтимоий тармоқларда қандай қилиб тарқаб кетди? Бундай ошқора топшириқ берилмайдиган йилларда журналистлар, блогерлар тақлиф қилинмайди-ку!

Ушбу блогер деб биладиган одамнинг шахсий позицияси, йўналиши, тематикаси бўлиши ва мунтазам ишончли манбалар асосида пост ёзиши керак.

Ушбу блогер деб биладиган одамнинг шахсий позицияси, йўналиши, тематикаси бўлиши ва мунтазам ишончли манбалар асосида пост ёзиши керак.

Ушбу блогер деб биладиган одамнинг шахсий позицияси, йўналиши, тематикаси бўлиши ва мунтазам ишончли манбалар асосида пост ёзиши керак.

Ушбу блогер деб биладиган одамнинг шахсий позицияси, йўналиши, тематикаси бўлиши ва мунтазам ишончли манбалар асосида пост ёзиши керак.

Ушбу блогер деб биладиган одамнинг шахсий позицияси, йўналиши, тематикаси бўлиши ва мунтазам ишончли манбалар асосида пост ёзиши керак.

манфаатига хизмат қилмасин. Асосийси, у шунчаки бор бўлмасин, балки мавжудлиги билан инсонларга фойда келтирсин. Муаллифлик блоги — бу электрон минигазета демекдир. Йирик нашрлардан фарқи — унда таҳририят, ходимлар жамоаси йўқ. Блогнинг ўзи муаллиф, ҳам муасхихи, ҳам тuzатувчи, ҳам муҳаррир бўлади. Демак, блогер грамматика, услуб-шунослик, HTML, дизайн каби соҳалардан хабардор, қолаверса, юқори компьютер саводхонлигига ҳам эга бўлиши лозим.

Шундагина АҚШ, Европа ҳамда Осиёнинг баъзи мамлакатларида блог юришти, кейинчалик йирик компанияга айланиб кетган тажрибалар бизда ҳам иш бериши мумкин. Оддий мисол, The Huffington Post, Mashable, TechCrunch каби интернет-нашрлар ҳам бошида оддийгина блог сифатида иш бошлаган. Бугун эса улар бир неча миллион долларлик йирик компаниялар қаторида саналади.

Шу сабабдан бугун кўпчилик блогерлик билан журналистикани қўриштириб юбораётгани бор гап. Лекин блогерлик журналистика ҳам, ОАВ ҳам ҳисобланмайди! Журналистдан ҳолислик ва масалани имкон борича кенроқ ёритиш талаб қилинади. Чунки журналистиканинг асосий мақсади ишончли маълумот тарқатиш, блогерликнинг мақсади нима, озгина келганини дейишимиз?

Дехқонча айтганда, бугун турли ижтимоий тармоқларда, телеграмм каналларида ҳар ким саҳифа очиб, нима деса шуни гапириб, гиж-гиж хато ва саводсизликнинг олий даражасини намойиш қилиб ётибди. Аммо халқимизда: "Айтилган сўз — отилган ўқ", деган гап бор. Эҳтимол, кўчада юрганнинг бари — блогердир. Чунки, юқорида айтганимиздек, ҳар бир инсонда сўз эркинлиги, ундан фойдаланиш ҳуқуқи бўлганидек, фикр айтиш, маълумот тарқатиш ҳуқуқи ҳам бор.

Аммо бу дегани ёлгон-яшиқ, яъни тўғри келган ўшак гапни тарқатиш мумкин, дегани ҳам эмас! Тўхмат ёлгон хабар билан элни чағалтириш — қонунга зид. Буни ўзини блогерман деб билувчи ҳар бир валломат англаб етиши зарур! Янада муҳими, одамлар, айниқса, катта-кичик раҳбарлар матбуот, ОАВ, хуллас, ҳақиқий журналистика билан ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини фарқлай олиши шарт.

Шундагина кўп тушунмовчиликлар ўзидан барҳам топади. Абдулазиз АҲМЕДОВ.

Бухоролик тадбиркор аёл Туронбанк кўмагида замонавий иссиқхонасидан

50 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспорт қилди!

Ҳар сафар хорижлик олимлар ёки машҳур ишбилармонларнинг сўзларига кулоқ тут- сак, "Сизнинг ёрин- гиз жаннатмонанд, у сеҳрли бир кучга эга, тупроғингиз олтинга тенг", деган гапларни эштамиз. Юрти- мизга ташриф бую- раётган сайёҳлар эса дастлабки таассурот- ларини, сифатли ва тилни ёрар даража- даги мазали мева-саб- завотларимизни эъти- роф этишдан бошла- шади.



Ҳа, аслида ҳам шундай. Сўн- ги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқ- ариш ҳажмини кўпайтириш, янги ва замонавий технологияларни қўллаш орқали харажатларни камайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш каби масалаларига қар- ратилган эътибор натижа- сида нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг йирик савдо марказларида ҳам миқозлар Ўзбекистон маҳсулот- ларига ўрганишди ва севиб ис- тъмоқ қилишмоқда.

Бунинг замирида эса ишлаб чиқаришга инновацияни кенг тат-

биқ этиш, замонавий иссиқхо- налар сонини кўпайтириш, айна йўналишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва бу борада самарали меҳнат қилаётган тадбиркорларга кенг имтиёз ва имкониятлар яра- тиш каби эзгу ҳаракатлар ётибди. Айниқса, оддий хўжаликларга нисбатан 2-2.5 баробар кўп ҳосил берувчи, маҳаллий гўнган фой- даланмасдан, минерал ўғитлар самарадорлигини оширувчи, энг асосийси, тежамкор технология ҳисобланган гидропоника тизими экспортбол маҳсулот тайёрлай- ман деган деҳқоннинг яқин кўмак- чисига айланди.

Давлатимиз раҳбари ҳам ҳудудларга амалга оширган ташрифлари чоғида доимо озиқ- овқатга бўлган талабни қон- дириш учун ишлаб чиқаришда юқори самарали усуллардан фойдаланиш зурур эканлигини таъкидлайдилар. Аслида ҳам энергиянинг муқобил манба- лари, тежамкор технологиялар- дан фойдаланган ҳолда гидро- поника ва аэропоника тизимида ишловчи замонавий иссиқхона комплексларини яратиш бугун- нинг талабидир.

Тараққиётнинг шу каби янги қақриқларига жавоб бериш

мақсадида айна пайт Респуб- ликамизнинг кўплаб ҳудуд- ларида шу каби инновацион иссиқхоналар ташкил этил- моқда. Бунга мисол тариқа- сида, «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасида иш бошла- ган «Вароаз Текстиль» масъулияти чекланган жамиятнинг сабзавот маҳсулотлари етиштириш лойи- ҳасини келтиришимиз мумкин. Хусусан, бухоролик ташаббу- скор Матовхон Абилова Когон тумани ҳудудида 2 гектар май- онда «Alamina» навли помидор навини етиштиришни мақсад қилган тадбиркорлардан.



Реклама ҳуқуқи асосида.

Мақкур лойиҳанинг умумий қиймати 500 минг АҚШ доллари бўлиб, уни амалга ошириш мақ- садида Осиё Тараққиёт банки кредит линияси маблағлари ҳи- собидан АТБ Туронбанк 350 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Унинг эвазига эса тад- биркор Корея Республикаси- дан замонавий ва энг сўнгги ру- сумдаги технологияларни олиб келди. Ушбу иссиқхонага 45 минг кўчат экилган ҳамда ҳар бир гек- тардан 100 – 150 тонна ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

Иссиқхона барча стандарт- ларга тўлиқ жавоб бериши билан бирга ортиқча инсон омилини ҳам чеклайди. Деярли барча жараёнлар автоматлаштирил- ган тизим орқали ишлайди. По- киза, ёруғ ва мўъжаз жойда ҳаво намлигини тартибга солувчи ту- манлаткич ускунаси ўрнатил- ган. Шамоллатиш тизими, сову- тишга мўлжалланган копрессор- лар, ҳаво ҳарорати, намлик ва иссиқликни ўлчайдиган датчик асбоблари, ҳавони мўътадил- лаштирадиган радиаторлар эса буларни мувозанатда ушлаб ту- ради.

Иссиқхонадаги ҳарорат, ўсим- ликнинг сув ва озۇқга бўлган та- лаби компьютер технологиялари орқали чуқур таҳлил қилиб бо- рилади ва жамланган хулосалар асосида миқдор ҳамда меъёр тажрибали агроном томонидан

белгиланади. Турли минераллар билан бойитилган сув, том-чи- латиш усулида ўсимлик илдизига етказилади. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 10 нафар маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Иссиқхона комплексларини ри- вожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чо- ра-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тадбиркорлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Ушбу қарор замонавий ис- сиқхоналар ташкил этиш би- лан бир қатор имтиёз ва имко-

ниятлар ҳам тақдим этилди. Шундан унумли фойдаланган ҳолда биз ҳам ушбу йўналишда ўз бизнесимизни йўлга қўйишни ният қилдик. Унда эса АТБ Ту- ронбанк катта кўмак берди. Молия муассасасининг кредити эвазига биз ўз иссиқхонамизни барча талабларга мос қилиб бунёд этдик ва Россия Федера- циясига 50 минг АҚШ долларлик экспортни ҳам амалга оширдик. Келгусида бодринг ва булғор қа- латта имкониятлар эшигини ни- ятдамыз", — дейди «Вароаз Текстиль» МЧЖ раҳбари Матовхон Абилова.

Қувончлисиз, ажратилаётган маблағлар, яра- тилаётган янгилик ва ёнгилликлар бежиз бўла- ётгани йўқ. Унинг самарасини мана шундай ис- тиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этил- гани билан ифодалаш мумкин. Эндиги вазифа эса ушбу тармоқни янада ривожлантириш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, саралаш, қадоқлаш ва экспорт қи- лишнинг бутун занжирини ўз ичига олувчи клас- терларни ташкил этишни жадаллаштириш- дир. Бунда эса ташаббускор ишбилармонларга АТБ Туронбанк ўзининг беҳимнат хизматларини таклиф этади.

Нодирбек МУҚИМОВ,
АТБ Туронбанк Матбуот хизмати масъул ходими.

Хизматлар лицензияланган.

Табрик

АТБ
“Ўзсаноатқурилишбанк”
жамоаси

Муқаддас айём — Қурбон ҳайити билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.

Ушбу хайру саховат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик аънаналарини ўзида мужассам этган, элимиз қадриятларининг ажралмас қисмига айланган улғу байрам барчамизнинг хонадонимизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барокат олиб келсин!
Ушбу муборак куннинг таровати йўлингизга нур сочсин!

SQB

Реклама ҳуқуқи асосида.

ХИКОЯ

Назарида, уни кимдир кун бўйи қадам-бақадам кузатиб юрди. Ишончасига қайётганида, бозор оралаганида, дўкандан чиқаётганида, бир жуфт кўз безовта тикилиб турганини сезди. Икки-уч марта илкис ортига қайтиб, ён-верига синчков қаради. Дўкандан деразасидан кўчага аланглади, лекин таъкибчиси топилмади.

“Асабларинг чарчабди”. Йигит машиналар тизилиб турган торгина бетон йўлак четига тўхтаб, уловдан тушганида яна ўша таъкибчининг ўткир нигоҳини сезгандай бўлди. Атроф сим-сиёх. Ялангоч дарахтлар уйкусирган гунгарададай серрайиб турирди. Охири туманга сингиб кетган баҳайбат иморатнинг бирорта дераза-тиркишида ялт этган шўбля кўринмайдиган.

Лиқ тўла қора елимхалтани чап қўлига олиб, калит тугмачасини босди. Машинанинг чироғи ялт этди-ю, сигнал хорғин чийиллаб кўйди. Димоғига аччиқ газ ҳиди урилди.

Икки чаққаси лўқиллаб оғрий бошлаган эди. Бунини у яна хорғинликка йўлди. Тезроқ тўшакка етгиси, етасолиб, таппа ташлаганча тошдай қотгиси келмаётганини сезди. Гўё, бўйнига зил-замбил тош осилган-у вужудида қон эмас, қўроғин айланаётгандай. Чукур уф тортиди. Юқи оғиргина эди, халтачининг тағига қўл юбориб, кўкрагигача кўтариб олди: “қулоғи” узлиб кетиши мумкин. Учкашигандай, ёнидаги телефони ўчиб қолганини эсладди.

Тўхтади: халтани шу тоғда тепага кучоклаб чиқиси шартми? Эрталаб, кун ёришгунча, сабр қилса, осмон ўпирилиб, ерга тушмас. Машинасининг юкхонасида қолдирмоқчи бўлди. Эринди. Йўқ, орта қайтиси келмади. Ирим қилди. Иримкашлигидан ижирғанди.

“Шунча шунчами? Кўтариб чиқаман!” Яна иккиланди. Тўққизинчи қаватга ҳансираб пиледа чиқиб юргандан қара, шартта машинасига ўтириб, ишончасига қайтиб кетгиси келди.

“Биринчи марта эмас-ку”. Кеч қолган кезлари турта курсини қатор тизиб, устида ухлаш — хонадош осийларга хос ва мос. Бунини хотини ҳам биларди.

Оёғи беихтиёр олдинга бошлади. Қадамини гадир-будур бетон йўлакка авайлаб босянган эшик томон юрди. Қалин буталар панасида нимадир эласлангандай бўлди. Чўнкайиб ўтирган одамнинг қўлганасига ўхшаб кетди. Кўпқабшара — тумшуги узун, ёноқлари ёнғоқдай буртқи чиққан барзанги кўз олдида келди. Лабини ялаганида тилининг учи бурнига қириб кетай дейди:

“Калланани олиб, қўлингга бераман, шен калланни!”. Йигит бу дағдагани эшитиб, қўлларига қишан урилган барзангига бир лаҳза қаради, тикилиб турганини эв осойишта, шу даражада осойиштаки, ҳалигача ўзи хайрон бўлади, завқланади, жаво қилганини эсладди:

“Марҳамат! Энди биланганини ейвер!”. Бир сиптовни камга кейин минг сиптагани билан бир пул. Ажалидан беш кун олдин ўлмас, тинчмикин.

Тўхтаб, буталар томонга қаттиқроқ тикилар экан, атрофга кўлок тугди. Ярим тунгача вағир-вуғур қайнаб ётадиган уйнинг олди шув сепгандай. Кимга зарил келибдики, шундай совуқда кўчага чиқса.

У яна таъкибчининг шарпасини сезгандай бўлди. Афтидан, у яқинда, жуда яқинда турарди. Нимадир шитирлади. Шамол эмас. Туманли тунда шабада турмайдиган.

“Светни график бўйича ўчиришган бўлса-ку, майли, — деган шувора оралади кўнглига. — Худди биров атайлаб ҳамма ёқни зимистон қилиб қўйганга ўхшади. Тавба!”. Қайси бир йилги Яқсаройда мутахассислар трансформаторни ишдан чиқариб, зулматга чўккан маҳаллада бир оилани бола-чақаси билан чавақлаб кетишганди.

Оёғининг остидан нимадир патирланганча югуриб ўтди. “Ми-иё-ёв!”. “Ҳа, бошингни егур!”. Пултурди.

Пайпаслаб темир эшик қабазасини топти. Муздай экан. “Очиқ-ку!”. Свет бўлмаса, электрон қулф қайси гўрдан ишласин. Очиқ бўлади-да. Йўлак ичи баттарроқ зимистон эди. Энди қандайдир шарпа “лип” этиб йўлакнинг ўнг кунжакига ўтиб, ўзини бурчакча олгандай бўлди. Нариги кўчага зориллаб бурилган машинанинг чироғи “лип” этиб ўтди-ю, товуши тинди.

“Хотинини чақирсамкин? — деб ўйлади у бўсада турганча. — Нима бўлпти? Ҳарна-да. Ермамлашиб юборарди”.

Яна фикридан қайтди. Нима деб, қандай чақирасан? Она-бола аллақачон ухлаб ҳам қолган бўлса керак. Ярим тунда бутун дунёни бошинга кўтариб бақирасанми?

Оёғи билан эшикни кенгроқ очди. Кўзи қоронғиликка кўниқинини кутди. Бехуда. Секин остона ҳатлади. Ташланса, тирсақни кўндаланг қўйиш мумкин. Бошини эҳтиёт қилиш керак.

Темир суянқили зина уч-тўрт қадам нарида. Эсон-омон етиб олинса, қолгани бир гап бўлар.

Яна икки қадам кўйди. “Ваҳимангни қара-ю!”. Учинчи қадамини кўйиши билан кимдир ўнг товонига тепди. Оёғи осмондан келиб, орқасига гурчиллаб ючилди. Халтачадаги қарошқа-пиёз сочилиб, елимхалтага ўралган муздай гўшт нақ юзига тушди. Бир лаҳза қараётди. Бир лаҳза! Йўқ, ҳуши жойида эди. Ҳеч ким ташланмади. Тепкиламади.

Урмади. Тирсагига таяниб сапчиб турмоқчи бўлган эди, оёғи яна сирганиб кетди. Пайпаслади. Қўлига ярим тилим пўчоқ илгиди.

“Тарвуз эмай, ўл! — деди тишларини гижирлатиб. — Падаринга минг ланнат, сендай илпосининг!”. Шундай деб гапиринди-ю, дарҳол тилини ташлади. Бу — гўдақнинг иши. Пучоқни катталар ташламайди. Балки ўзининг ўғли отиб юборгандин. Утган куни қайинлари тарвуз олиб келишганди.

Нам қўлини беихтиёр замш куртқасининг бикинига суртди. Инкиллаб-синкиллаб ўрнидан турди ва сочилиб кетган харидларини топиб, халтачага солишга тушди. Боши, тирсақни қаттиқ зирқираб кетди. Кўнгли айнигандай бўлди.

“Худо-Худо, миям чайқалмаган бўйсин!”. Бўйнига ёпишган чулопи кўкрагига томон ўрмалай бошлади.

“Қаҳратонда ҳашаротга бало борми?”. Шоша-пиша энасига қўл юборди: “Қон!”. “Бу ердан тезроқ қуриш керак! Биров кел қолса, гирт маст экан деб ўйлайди! Ана шармандалик!”. Янги йилга деб қоньяк олмоқчи эди. Пули камлик қилди. Худо сақлаган экан.

Ҳозир шишаси синиб, расвосини чиқарарди. Кўрку салобати жойида йигит уст-боши қон, спирт сасиб, остонада ағанаб ётса.

Куртқасининг чўнтагида нимадир шитирлагандай бўлди: “Гугурт!”. Юзи буришиб кетди. Нега шу ордона қолгур аввалроқ эсига тушмади.

Пайпаслай-паспаслай иккинчи қаватта етиб, тўхтади. “Чулопи” белига қараб ўрмалаб борарди. Ҳамманинг эшиги қалин темирдан. Йўлакда бомба портласа ҳам эшитмайди. Лекин бирорта бузмакор очаман деса, ҳали-ку темир, бетониям тешади.

Иккинчи қаватнинг зина томонида бир хоним туради. Қўшилларнинг шивир-шабирларига қараганда, “кўчага” алоқадор. Ҳузурни зодагон қавмидан ҳисоблайди, чоғи, улай-булайини одам ўрнида кўрмайди. Соники қўз-кўз қилиб қиядиган қўйлагидан кўра эрини кўпроқ алмаштиради. Янги жазман топган куни квартирасининг олдидаги зиналарнинг ранги ўзгаради. Эринмасдан бўяб, деворларига нақшу нигор, гуллар чиздилади. Янги эрга, янги поянда: “Қадамларинизга ҳасанот, акажоним!” Ҳозир зиналари напармон, деворлари — писток. Эпнинг оёғи тинганда келиб, кун ёришмасдан думини ҳода қиладиган янги жазманнинг таъби яшилга мойил, чамаси.

КЕЧИМАЛАР

БОЛА ҚЎЧГАН

Кучли гүмбирлашдан туйқус уйгонган ўғли онасининг ёнига келди: — Ойи, ойижон, уйгонинг, кўзингни очинг! Ташқарида олов уч-кун сачратаяпти, қоронғида кўриб кетяман. Она ўғли томонга ўтирилиди: — Болажоним-ей, нимадан кўркасан, мен ёнингданман-ку! — Сиз нега уйгонмадингиз? Саҳраётган чўддан кўрмайсизми? Она ўғлини маҳкам бағрига босиб кучоклади. Хаёлидан: “Эй болам, ҳаётда мен ёлғизликда тортган азоб-укубатлар олдида бу чақин нима бўлибди?” — деган ўй кечди. Сўнгра унсизгина ўрнидан турди-да, деразадан ташқарига термулганча жим қолди...

Мактабдан келган ўғли онасининг ёнига ошқиди. — Ассалом алайкум ойижон, мен келдим. — Ваалайкум асسالом, ўқийларинг ахширми? — Уғли ерга термулди. — Тинчлик, — деди сўнг тушқун қайфията.

— Нима бўлди, бундоқ гапир-да, кимдир хафа қилди? — Синфдошим Саодат бор-ку, ўшанинг сумқасидан кимдир дадаси совға қилган соатини ўғирлаб қўйибди. — Вой, сендан кўришмадимми? Ким экан ўша ўғри? Устозларинг ким олганини аниқлаштирганми? — Ваалайкум асسالом, ўқийларинг ахширми? — Уғли ерга термулди. — Тинчлик, — деди сўнг тушқун қайфията.

— Ҳа, устоз ҳамманинг сумқасини текширди. Соат чиқмади... Онаси ошхонада овқат сузаяётиб, боғия воқеани эсладди: “Содда болажоним-а, ёшсан-да, ҳаётнинг паст-баландини билмайсан. Йўқолган нарсанинг ўрни қопланади, аламлар унутилади. Мўҳими, бу ҳаётда қалбимизни, имомини ўғирлатмасак бўлгани”.

— Ҳа, устоз ҳамманинг сумқасини текширди. Соат чиқмади... Онаси ошхонада овқат сузаяётиб, боғия воқеани эсладди: “Содда болажоним-а, ёшсан-да, ҳаётнинг паст-баландини билмайсан. Йўқолган нарсанинг ўрни қопланади, аламлар унутилади. Мўҳими, бу ҳаётда қалбимизни, имомини ўғирлатмасак бўлгани”.

— Ҳа, устоз ҳамманинг сумқасини текширди. Соат чиқмади... Онаси ошхонада овқат сузаяётиб, боғия воқеани эсладди: “Содда болажоним-а, ёшсан-да, ҳаётнинг паст-баландини билмайсан. Йўқолган нарсанинг ўрни қопланади, аламлар унутилади. Мўҳими, бу ҳаётда қалбимизни, имомини ўғирлатмасак бўлгани”.

— Ҳа, устоз ҳамманинг сумқасини текширди. Соат чиқмади... Онаси ошхонада овқат сузаяётиб, боғия воқеани эсладди: “Содда болажоним-а, ёшсан-да, ҳаётнинг паст-баландини билмайсан. Йўқолган нарсанинг ўрни қопланади, аламлар унутилади. Мўҳими, бу ҳаётда қалбимизни, имомини ўғирлатмасак бўлгани”.

Гулноза ЭРГАШЕВА.



ТЎҚ ҚИЗИНЧИ ҚАВАТ

Қоронғида йигитнинг юзида заҳар-ханда пайдо бўлди: “Кўяберинг, ўйининг!”. “Энди кўчиб келган пайларни эди. Ҳали қўнчилиқни танимаса-да, кўринган одамдан саломини аямайди. Тун оққанида эшик кўнгириги жиринглади. Очса, сўйиллаган оқ бадан бир жувон. Туршилари бошқача. Ҳилвирган қизил ички қўлақда. Сийналари лорсиллаган. Билаклари илондай. Елкалари: “кел, мени куч, ўп, эркалал” дейди.

“Кирсам майлими?” — деб эхтирос билан шивирлади аёл. “Тинчликми?” “Английскийдан ёрдамнингиз керак бўп қолди. Илтимо-ос!”

Аёл фитнага кўзларини сузди. “Инглизчани хотиним яхши биларди. Мен...”

“Хотинингиз йўқ-ку. Қишлоғига кетгандай...” “Йигит ноҳор қуллимсиради: “Ҳозир бандроқ эдим. Ёзув-чизув дегандай...”

“Унда, телефон номерини ёзиб олинг. Чақирсангиз, дарров чиқаман. Ё, ўзингиз менинга тушинг. Шилпилдоқ пишириб бераман”.

Аёл “шилпилдоқ”ни қичқиб билан айтар экан, пиқиллаб қулди ва қизилга бўялган оғзи қалишддай бўп кетди.

“Ошқозоним шилпилдоқ билан унча келишмайди”. Бу гапга ёлгон аралашмаганиди: ошқозони бузилишга доим баҳона излаб туради ўзи.

“Ковурдогим ҳам бор. Уйимда ҳеч ким йўқ...” “Нормерингизни айтинг!” “Ёзиб олмайсизми?”

Ширага тўлган жувоннинг терилган қошлари чимирлиди. Йигитнинг вужудида нималардир жунбиша келиб, аёлнинг ялангоч елкасини силлагиси, ҳатто ўлгиси келди, лекин юраги дов бермади.

“Жаҳарларни миясига урган кашмири”. Оғзидаги гапи бўғизда қолган жувон зарда билан бурилиб, зинадан тушиб кетди.

Кейин Худонинг берган куни унинг ишдан қайтишини кутиб ўтирадиган одат чиқарди. Деразасидан баъзан “келин” деб илмайди. У боши иргайди. “Шо-шиб турибман”.

Йигит бир куни ишга кетаётганида, эшик олдида гап сотиб ўтирган жувон изидан белошна гап қилди: “Шундай йилга тилиб бир саҳрий хотининг эгаллик қил ўтириши — уво-да!”

“Оббо! Бу энагар ҳали бирор нағма қўрмасанга гўрағайди”. “Алам-о, алам-о!” деб пиқиллаб қулиши ёнидаги аёллар.

...Шилпиллаган қадам товушлари ва кимнингдир ҳансирагани қулоғига чалингандай бўлди. Йигит тўхтади. Томоқ қирди. Сукунат. Ҳозирнинг нафас олишидан бошқа сас-садо эшитилмади.

“Вос-вос бўп қолсан, бола!”. Димоғига бўёқ ҳиди урилди. Зиналарнинг четига қалта-култа тахта, елимчелак, қақир-қукур тўла қоплар териб ташланган. Демак, учинчи қаватга етибди. Йил-ун икки ой аҳо-ш — шу. Ташмириш, созлаш тугамайди. Ҳали у қўшни, ҳали буниси — туну кун тариллатган, гуриллатган, тақиллатган. Димчилик. Ҳозирнинг олдидаги шундай бесаранжомлик, ташвиш турганини элса, йигитнинг юраги орқасига тортиб кетади. Неча йиллик ижарахонлиқдан кейин етган квартирасида дунёнинг иши бор. Занглаб кетган қуворлари чирчибитан, қорайиб, қурим босган деворларининг юзига қараб бўлмайди. Неча ашад ижарачи-талабалар салтанатидан қолган мерос.

Насиб қилгани шу экан. Олти ой излаб, бундан дурустини тополмади. Хотини қанчалар харидор бўлиб келдию, тўрт хонали хайотдай квартирадан иккаласининг ҳам чиққиси келмай қолди. “Жойи баҳаво, айвони стадиондай келаркан, — деб шивирлади аёли. — Кам-қўстини кейин тизатиб олармиз”.

Кўчиб келишдан аввал сувароғу қурт-қумурсқадан тозалари, обдон доларилади. Бирок қамохона камерасидаги каби тамаки-ю тернинг аччиқ ҳиди ҳалигача буткул кўтарилгани йўқ. Сўнга солишининг катта харажати бор. Гина ўзидан. Қайнотаси узатган пулни олмади.

“Харидингизга биз ҳам хиссамизни қўшайлик, — деди қайнота. — Яхши ният билан қантариб қўйган икки новвосим бинойиғина пул бўлди”.

Кўёв қўнмади. Барқандай юзи қил-қизил қайнотасини ўтган гал қишлоқда, қариндошининг тўйида қурди.

“Менинг қўрайдиган фойдам — шу, тўй-маърака, — деб қулди ширақайф қўйиши. — Уйга борсам, ўн жон мени ялмай ютаман деб қутиб ўтиради. Бирини уйланиши, бошқаси эрга тегиши керак. Бировига қўйлақ керак, бошқасига иштон. Қайнотанинг у деб дод-лайди, мой-теб додлайди. Тўйга эрта келиб, кечгадвор ўтираман. Нима қилай, мажбурман. Маҳалла оқсоқолининг иши шу. Кимдир бош-қош бўлиши, тартибни сақлаши керак-ку. Тўғрими? Ҳа, балли! Эрталаб тураман урра қочаман: фалон жойда майлис бор! Худода шукр, ўзбекининг нимаси кўп — тўйи. Яна тўй, яна маърака!.. Сиз шошилманг, кўёв! Яна бир жуфт, бир жуфт олайлик. Кейин бирга турасиз. Бизникига борамиз. Аллагайитиб кел қолсиз, бир пиледа чой ичиб кетасиз. Олинг, ма-



Кулман ОЧИЛ — мушаррихларимизга яхши таниш. Чироқни туманидаги Қўрғонда қишлоғида тутилган. Уйлаб бадий, публицистик, таржима асарлар ҳамда китоблар муаллифи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. Мамлакатимизнинг бироқ марказиди нашрларида, жумладан, “Нитпун” газетасида масъул лавозимларда ишлаган. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг маслаҳатчиси.

Йигит қулди. “Ҳа-а, ўша ювуқсининг гапи сизга жуда ёқиб кетди-ми? — Хотин зотининг жағи очилмасин, очилса, ёпиш қийин. — Унда, мени ҳайдаб, ўша ичкинани олиб! Камлик қилаётган бўлсам, устимга олинг!..”

Умида опанинг келиб қолгани жониға оро кирди. Учиб-қуниб турган келинчақнинг ҳовурини босди.

“Тўғандан қонинг, сингилжон! — деди адабиёт муаллимаси. — Шукр денг, эрингиз оғиргина йигит. Анави хотин ўзи шунча, сал бўмағирроқ, Сўнкайроқ Қонми? Йўғ-е! Сув, шекилли. Саришта келинлардан бирортаси йўлакни сўпурган кўри-нади. Қўлини димоғига олиб борди. Сийдики! Кимдир тепадан туриб чоптирган.

“Илпос!”. Яна лабини тишлади. Ўғли — бевешроқ, мушудай бола ҳаётдан текканга — тегади, тегмаганга кесак отади. Утган эзда, бола-чақаси қишлоқда кетганида ҳам чироқ ўчиб қолган. У айвонининг очиқ деразаси олдида тамаки тутатиб турган эди. Туйқусдан икки безот ортидан келиб икки қўлини қайирди. Кўлчи алмашавериб, шалвираб қолган ёлғиз эшикни очиб дордан қочқанларга писандим. Йигитни тиз чўктирар экан, оқ кроссовка қийгани энасига қафтининг кирраси билан яхшилаб туширганини сазди. Кўз олдини туман босди.

Қора этикисини бўйнига тиззасини қўйди. Этигининг қалин, лошнасидаги лои гира-ширада сарғайиб турарди.

“Миқ этшанг, ўлашан, — деди қора этик. — Бишга пул-мулнинг керакмаш. Бишини рўйхатингдан ўчири!”. Овоз эгасини таниди. Бир марта учрашган эди. Оғзида тиши қолмаган. Ўт-тиз ёшлардаги нокас.

“Ўчирашганими?! Йўқ дешанг, уй-пуйин билан бирга ёқиб юборамини!”. “Тепамда қанча бошлиқ бор!”. “Бошлиқларинг мина ишинг бўмасини!.. Ўчирашганими?!”. “Харақат қиламан”. “Тилингни тий. Шашингни чиқарсанг, бола-чақанг билан қуйиб қул бўлашан! Чўнқидингни?”

“Ҳа”. Нимадир қирс этди. Хушига келганида, бурнидан оққан қон полнинг устида ҳалқоб бўлиб қолганди.

Кейин йигит аламини олди: “Марҳамат! Энди биланганини қил!”. У пешоб теккан қўлини халтага артган киши бўлиб, зиналар оша юкорлади. Ҳансирай-хансирай олтинчи қаватга етиб, халтани панжара устига қўйди.

Яна оёқ учда юрган одамнинг қадаму товушлари, шивир-шивири келгандай туюлди. Зина томондан лифтининг олдида турган одам кўринмайдиган.

Йигит йўталган бўлди. Жим-жит. Бу ерда Умида опа яшайди. Ўткир аёл. Одамнинг тилпоси. Йигитнинг хотинига мактабдан иш, ўлгиға боғачдан жойи галлашиб берган. Шу опа билан борди-келдиси қалган.

Саҳрий хотинга увол қўрилган “мулк” ҳақидаги гап аёлининг қулоғига етиб борган экан, бир оқмон ишдан келса, фатила сочлари қўйган, юзлари тилмаланган, қалт-қалт титраган. Онасининг оёғига ёпишган бола тинимсиз орилиди. Икки хотин дунёни бошига қўтариб ёқалашибди.

Эрини кўриб, отасининг “ақли қизиб” бир аламини минг бўлиб, жаврашга тушди: “Мен ўша хангининг бошини ейман! Бошгнмасини ейман!”.

— Ана, кўрдингизми дадажонисиз? — келин эрига қараб қарсақ уради. — Қайта-қайта “йўқ” деганларини эшитдингизми? — Ана, кўрдингизми дадажонисиз? — келин эрига қараб қарсақ уради. — Қайта-қайта “йўқ” деганларини эшитдингизми?

Ғариб кўнгли қулларга бўлган онанинг сўйиш қўзларига ёш келиб, деган экани: — Ўғлимнинг оши, косада қайроқ тоши, отасига ҳоқим эдим, боласига боқим бўлдим... — Ана, кўрдингизми дадажонисиз? — келин эрига қараб қарсақ уради. — Қайта-қайта “йўқ” деганларини эшитдингизми?

Унақа келинлар ўтмишда қойиб қетган, албатта. Мабодео, битта-яримтасининг кинесига янгилишиб қайроқтош тушиб қолмаган бўлса, ҳам билмади. Тош ҳам майлига, башарти қўнглига шайтон оралаган бўлса, буниси — чатоқ. Аммо ўғилчангиз улғади, сиз ҳам келин олмасиз, ҳам қайнона бўласиз. Бунини унутмаслик керак, қасосли дунё деб қўйибдилар, бу дунёни.

— Ана, кўрдингизми дадажонисиз? — келин эрига қараб қарсақ уради. — Қайта-қайта “йўқ” деганларини эшитдингизми? — Ана, кўрдингизми дадажонисиз? — келин эрига қараб қарсақ уради. — Қайта-қайта “йўқ” деганларини эшитдингизми?

Рустамжон УММАТОВ.

Тўғрилланган Ковуш ва очилмай сўлган гул фожиаси

(Ўтмиш ҳикояларидан)

Машҳур адиб Садриддин Айний ўз "Эсдаликлар"ида Мулла Бурҳон деган дўсти айтиб берган бир саргузаштни келтириб ўтадики, бу — бир тарафдан қулали, иккинчи томондан эса ниҳоятда ачинарли. Қуйида ўша ҳикояни келтириб ўтмоқчиман.

Адибнинг ёзишича Бухоро мадрасаларидан бирининг талабаси бўлган Мулла Бурҳон бир йили ёзи таътил пайтида ўша даврга хос — тасаввуф одати бўйича бирор хилват жойда қирқ кун "чилла" ўтириб, бу дунёнинг ташвишларидан холи бўлмоқчи ва шу билан бирликда мадрасада ўтилган дарслардан улгурмай қолганларини такрорлаб ўзлаштириб олмақчи бўлади. Қашшоқ талаба учун унга ҳеч бўлмаса текин овқат топиладиган шундай жой керак эди. Табиқани бунинг учун шаҳардан бир неча чақирим нарида Қизилқум тепаликлари орасида жойлашган Хўжаўбон мазористонини мафлаҳат қўриди. Айтишларича бу мазорга тева-рак-атрофдан зиёратчилар кўп келиб, назар-ниёз ва егулик нарзалар керагидан ортиқроқ тушар, мулла Бурҳондек қашшоқ талаба қирқ кун эмас, бир йил турса ҳам озиқ-овқатдан ҳеч қимга оғирлиги тушмас экан. Буни эшитган Мулла Бурҳон Қизилқум саҳросининг қум барханларидан ошиб йўл боса-боса ўша Хўжаўбон мазористонига етиб борибди. Мазористоннинг шайхи ва мутаваллиси етмиш ёшлардаги йўгон гавдали, қорин солган ва ёзувчининг таърифича "юзи кунда икки марта туғадиган товўқнинг юзидай қип-қизил" бир одам экан. Мулла Бурҳон унга ўз мақсадини баён қилиб, шу ерда қирқ кун "чилла" ўтиришга рухсат сўрабди. Шунда мутавалли рози бўлгандай бўлибди ва:



— Агар ҳазрати бузруквор сизни ўз даргоҳларида туришимизни истасалар қирқ кунгина эмас, қирқ ҳафта турсангиз ҳам биз фақир хизматдамыз...

хонада "чилла"сини бошлабди. У "чилла" ўтирганининг учинчи кун кечаси саҳар уйқудан туриб ташқарига чиқмоқчи бўлса эшик олдида ўз ковушининг кетишга олдиндан тайёрлаб қўйилгандек — тўғрилаб қўйилганини кўрибди. Бу иш бир неча марта такрорланган шу ерни супириб юрувчи фаррошга:

— Унда... Ким тўғрилаб қўяпти? — деб сўрабди Мулла Бурҳон.
— Хўжаўбон ҳазратлари, — деб жавоб қилибди фаррош қабрга ишора қилиб.
Бу жавобдан мулла Бурҳон ажабланибди, аммо бу ерда қандайдир бир "сир" борлигини сезибди.
— Наҳотки шундай улғу зот мендай бечорага шу қадар улғу илтифот кўрсатсалар? — дебди.
— Йўқ, аксинча. Шайх бузруквор кимни ўз даргоҳларида туришини истамаса унинг ковушини

тўғрилаб қўядилар, — дебди фаррош.
Мулла Бурҳоннинг қулоғига бу даргоҳда фақир бечора кишиларнинг уч кундан ортиқ тура олмасликлари ҳақидаги гаплар чалингандек экан. У фаррош билан бўлган суҳбатдан кейин бунинг сирини англагандай бўлибди ва ўша кечаси ярим тунда туриб чиллаxonадан чиқиб меҳмонхона, айвон ва бошқа жойларда ухлаб ётган меҳмонларнинг ковушларини тўғрилаб қўйибди ва ўзи тинчгина уйқусини урибди. Эрталаб туриб мазорга зияратга келган не-не меҳмонлар "Шайх Хўжаўбон бизни ўз даргоҳларида туришимизни истамабди", деб қайғуга чўмиб жўнаб кетишганликларини кўрибди. Мулла Бурҳон томонидан "ковуш тўғрилаш" бир неча бор такрорланган, тева-рак-атрофда "Хўжаўбон ҳазратлари ҳеч кимни ўз даргоҳларига қабул қилмай қўйилти", деган овозга тарқалиб зиёратчиларнинг оқими озайиб, бора-бора ҳеч ким келмай қўйилти. Бир кеч мутавалли унинг хузурига кириб келиб ва:

— Мулла, ковушларни тўғрилаб қўйиш вазифасини ўз гаданингиздан соқит қилиб бузрукворнинг ихтиёрларига қўйсангиз, — деб ялинибди ва унга "хамир учидан патир" дегандай қоғозга ўралган анчагина пул узатибди. Шайх унга яқин келиб гапирганида унинг оғзидан шароб ҳиди анқиб турганини ҳам сезибди.
— Хўп бўлади, — деб унинг тақлифига рози бўлибди Мулла Бурҳон.
Шу-шу мутавалли уни тинч қўйибди ва Мулла Бурҳон ўз "чилла"сини бемалол давом эттириб, дарсларини такрор қилишга тушибди.
Аммо Хўжаўбон мазористонда яна янги, бутунлай бошқача воқеалар юз берибди. Мулла Бурҳонга чой, озиқ-овқат келтириб турадиган ёшгина хизматкор қиз бир кунни ўз бекаси — мутаваллининг буй етган қизини бошлаб келибди. У ниҳо-

ятда чиройли, доно экан, адабиётга, шеър-ғазал ёзишга қизиқар экан, шу хусусда Мулла Бурҳондан маслаҳатлар сўрабди. Улар ўртасида ишқ-муҳаббат пайдо бўлибди, қиз билан хилватда тез-тез учрашиб туришибди. Қиз жуда ақлли, ҳаёли экан, у доим одоб сақлаган ҳолда Мулла Бурҳоннинг ҳам одоб-ахлоқни заррача бузишига йўл қўймабди. Қиз бу учрашуларда бошига тушган оғир қисматни йигитга сўзлаб берибди. У йигирма саккиз ёшга кирса ҳам ҳамон турмуш қурмаган экан. Бунга — уларнинг хўжалар авлодидан эканлиги сабаб экан. Қизнинг меҳрибон онаси вафот этган отаси бошқа хотинга уйланибди, ўғай она уни хўрлаб, азоб берибди, ҳатто "ғазал ўқиган қиз бузилиб кетади", деб китоб ўқишга ҳам қўймабди. Ўғай она ўлган қиз отанинг ҳукмронлигида қолибди, у жоҳил ота улғидан қутилиш учун ҳатто қари чол бўлса ҳам эрга тегиб кетишга рози экан, аммо хўжа зотидан эр чиқмас экан. Унинг бирдан-бир ҳамроҳи ва овуноғи шу ўн икки ёшли хизматкор қиз экан, аммо отаси шу норасидага ҳам кўз олайтирма бошлабди. Қизнинг азоб-ўкубатли ҳикосидан юраги ачинаган Мулла Бурҳон унга ёрдам бермоқчи, ўзи уйланоқчи бўлибди ва мутаваллидан:

— Агар қизингизга хўжа бўлмаса ҳам бирор мулладан совчи келса берармидингиз? — деб сўрабди. Мутавалли бунга розилик бергандай бўлибди. Мулла Бурҳон шаҳарга келиб бир таниш муллани ўз номидан совчи қилиб юборибди. Аммо жоҳил ота ўз фикридан қайтибди ва кизини фақат хўжа зотига беришини айтибди. Совчи бўлиб борган одам қайта-қайта қистайвергач, мутавалли қизи учун жуда катта миқдорда қалин пули ва бошқа мол-дунё сўрабди. Буни эшитган бечора Мулла Бурҳон бир тарафдан қизнинг аянакли аҳоли, иккинчи томондан ўзининг қашшоқлигиндан ўқиниб қаттиқ касал бўлиб қолибди, хушидан айрилмабди, беш ой деганда ўзига келибди. Шу орада у Хўжаўбондан мутаваллининг қизи "жинни бўлиб ўзини осиб ўлдиргани"ни, мутавалли қизининг қирқи ўтар-ўтмас ўша ўн икки яшар қизни ўзига никоҳлаб олганини, у қиз ҳам никоҳнинг учинчи кунини жинни бўлиб: "Жоним пошша опам, мени мутавалли бомоннинг қўлларидан қутқарин!" деб дод солиб, мутаваллининг қизи осилган жойда ўзини осганлигини эшитибди...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Қалбларда ҳаловат ва эзгу илтижо

Маълумингизки, 2020 йилнинг июль-август ойлари — ҳижрий 1441 йилнинг охири ойи — Зулҳижжа ойи ҳисобланади. Бу ойда Устоз дунёсининг энг катта муборак байрами Қўрбон ҳайити байрами нишонланади.

Авалло, қариатимизда жорий этилган ҳар бир ҳукми қўйиб қўлаб, сунъий тарзда мукаммал татбиқ этиш учун, аввало, унинг қўлағиди ва истилоҳий маъноларини билиб олиш лозим. Аллоҳ таоло шунинг бадалари зиммасига бадан, тил ва қалб билан бажариладиган ибодатлар билан бир қаторда молиявий ибодатларни ҳам юқладики, бу сизга биз учун раҳматдир. Бу ибодатлар Аллоҳ таолонинг розилигига, раҳмат ва иноятга эришишда муҳим василдир.

Асли Қўрбонлик сўзининг луғавий маъноси яқин бўлиб, Қўрбат ҳосил қилиш маъносини аниқлатади. Қўрбонликнинг истилоҳий маъноси эса Аллоҳ розилиги учун ибодат нияти билан муайян қўлларда тури, ёши ва бошқа васфларини динимиз белгиллаган ҳайвонлик қўрбонликдир.

Қўрбонлик қилишдан асосий мақсад эса илоҳий амрга итоат этган ҳолда, Аллоҳ таолога қўрбат, ибодат қилишдир. Қўрбонлик Аллоҳ берган нёъматларга шукронанинг бир кўринишидир.

Қўрбонлик қилишнинг "Кавсар" сурасида: "Биз сизга, эй Расулulloҳ, Кавсарни ато этдик. Шундай экан, Роббингизга намоз ўқинг ва қўрбонлик қилинг", дейилади. Муфассиллар ушбу оятлар тафсирида, намоздан мурод — Қўрбон ҳайити намози, қўрбонликдан мурод қўрбонлик сўйиш эканини айтишди. Бундан кўринадикки, қўрбонлик қилишлик мусулмон, оқил, солиҳ, муқим ва закот беришга қўрби етган инсонга вожиб бўлади.

ҚўРБОНЛИК РУКНИ
Қўрбонликнинг битта руки бор, у ҳам бўлса, қўрбонлик қилиниши жоиз бўлган ҳайвонлардан бирини Қўрбон ҳайити кунларида Аллоҳ розилиги учун сўйишдир.

ҚўРБОНЛИККА НИЯТ ҚИЛИШ
Қўрбонлик сўйишда бундай ният қилинади: "Э Роббим, шу ҳайвонни Сенинг розилигинг учун сўйишга ниҳат қилдим. Узинг даргоҳингда қабул айла!" Сўнг: "Бисмиллаҳ Аллоҳу Акбар", деб қўрбонлик қилинади.

ҚАНДАЙ ҲАЙВОНЛАРДАН ҚўРБОНЛИК ҚИЛИНАДИ?
Қўй, эчки, қора мол, қўтос ва туя каби ҳайвонлардан қўрбонлик қилинади.

Бизнинг Ҳанафий мазҳабимизда қўй бир киши учун, қора мол ва туя бир нафардан етти нафаргача кишилар номидан сўйилса ҳам бўлаверади.

Қўрбонлик қилинадиган ҳайвонларнинг ёшлари ҳам китобларимизда баён қилинган. Қўй — 1 ёшли, қора мол — 2 ёшли, туя эса — 3 ёшли бўлиши керак. Эчки-қўйларни бир қили, қорамол ва туяни бир неча киши қўшилиб, қўрбонлик қилиши мумкин.

ҚўРБОНЛИК ҚИЛИНАДИГАН ҲАЙВОННИНГ СИФАТЛАРИ
Қўйдан жазаъ — олти ойлик ва санийи, ундан катта ёшдагиси қўрбонликка ярайдми. "Санийи" деб бир ёшли қўй ва эчкига, икки ёшли молга ва беш ёшли туяга айтилади. Олти ойлик қўйни қўрбонлик қилиш, ундан каттасига қучи етмаганда айтқилган.

Баро розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда: "Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам: "Тўрт нарса қўрбонликка жоиз эмас: 1. Ғилайлиги очик-ойдин ҳайвон. 2. Касаллиги очик-ойдин ҳайвон. 3. Чўлоқлиги очик-ойдин ҳайвон. 4. Мияси чатоқ ҳайвон", дедилар", дейилади.

ҚўРБОНЛИККА ЯРОҚСИЗ ҲАЙВОНЛАР
Қўр, тишларининг ақсарияти тўқилган, қўлоқлари ёки қуйруғининг ярмидан кўпи кесилган ёки тушиб қолган, елинлари қўриб қолган, қўлоқлари ёки қуйруғи туғилганидан йўқ бўлган ҳайвонлар қўрбонликка ярамайдми.

ҚўРБОНЛИК ГЎШТИ ТАҚСИМОТИ
Уламолар, қўрбонликнинг гўштини учга бўлиб, бир қисмини ўзи ёйиши, иккинчи қисмини камбағалларга, яъники эҳтиёжмандларга бериши, учинчи қисмини сақлаб қўйишни ахши, дейдилар. Атрофда муҳтожар кўпайганда эса уларнинг рўйсини қилиш зарур.

ҲАЙВОННИНГ ЁИШИ МУМКИН БУЛМАГАН ЖОЙЛАРИ
1. Оқдан қони. 2. Эркаклик жинси. 3. Урғочлик жинси. 4. Тухумлари. 5. Сийдик халтаси. 6. Ғуддаси (тери билан ўрғоч халтасида ҳосил бўлган шиш, без). 7. Ут пуфайғи.

Шериклик асосида қўрбонлик қилиш:
Бир киши ёлғиз ўзи қўрбонлик қилиши жоиз бўлгани каби, шериклик асосида ҳам туя, қора мол (сиғир, ҳўки, қўтос)га етти кишини шерик қилиши мумкин. Шерикларнинг барчаси қўрбонлик ва ибодат ниятида қўрбонликка қўйишли шарт.

Қўрбонликка аталган ҳайвоннинг ҳеч бир жойини сотиб бўлмайдми.
ЗАКОТ БЕРУВЧИ ВА ҚўРБОНЛИК ҚИЛУВЧИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ
Шу ўринда, закот ва қўрбонлик орасидаги назик қирра ҳақида айтилган бўлса, мазҳабимизда закот беришдан аввал нисобга етган мол бир йил ўзгармасдан туриши шарт қилинган бўлса, қўрбонлик қилиш учун нисобга етган моли уйда бир йил туриши шарт эмас. Қўрбон ҳайити байрами арафасида ёки қўрбонлик қилиш мумкин бўлган кунлари моли нисобга етса, қўрбонлик қилиши вожиб бўлади.

Яна бир тарафи, пулдор, моли нисобига етган одам мусофи бўлиб қолса, унга қўрбонлик қилишлик вожиб бўлмайдми. Мабодо сафарга кетаётган одам молига васийлик қиладиган одамга: "Агар мен сафарда бўлиб қайтолмай қолсам, қўрбонлик қилинглр", деса амалга оширса бўлади. Аммо бу сўзни айтмаган бўлса, бўйиндан соқит бўлади.

"Бас, Роббингизга намоз ўқи ва жонлиқ сўй" ("Кавсар" сураси, 2-оят), дея марҳамат қилган ва авзаига улғу ақрларни ваъда қилган Аллоҳ таоло битмас-туғаммас ҳамду санолар бўлсин.

Ҳар бир инсон шу нарсани қалбдан англаб етиши жоизки, аслида Аллоҳ таоло бизнинг қўрбонликларимизга муҳтож эмас. Биз эса доимо Роббимизнинг иноятига, раҳмати ва мағфиратига муҳтожмиз. Муқаддас оят қаримада: "Аллоҳқа (қўрбонлик) гўштлири ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у зотга сизлардан таъво етар" ("Ҳаж" сураси, 37-оят), дея марҳамат қилинган.

Зеро, "Кимки хурсандчилик, савоб умидида қўрбонлик қилса, қўрбонлиги унга дўзахдан парда бўлади" (Имом Таборнинг ривояти), деган сўқли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга минг-минг бора савоблар бўлсин!

Маълумки, бутун бутун дунёда бўлгани каби, азиз ватанимизда ҳам хавфли ўлат — коронавирус балоси қанчалик захмат, қийинчилик туғдирмоқда. Минг-минглаб юрдошларимиз ана шу дард билан оғир, минг афсуслар бўлсинки, бир қанча ватандошларимиз хасталик туфайли вафот этди.

Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳдан тез кунларда ана шу балони даф этишини сўрайлик. Яна олдинги вақтлардагидек хотиржам ва осойишта дамлар ато этсин.

Илло, шу қутлуг Қўрбон ҳайити кунларида улғу амалларимизни адо этар эканмиз, Тангри таоло иноятдан бенасиб қолмасликини сўраб дуолар қилайлик.

Энди шу ўринда юрдошларимиздан Қўрбонликка оид турли саволлар бўлиб туради. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримларига жавоб қилсак:

Савол: Қўрбонликка аталган пулни эҳтиёжмандларга садақа қилса бўладими?
Жавоб: Бўлмайдми, албатта, Қўрбон ҳайити кунни жонлиқ сўйиш лозим.

Савол: Қизим учун Қўрбон ҳайити кунни ақша қилмоқчи эдим. Қўй сўйганда ақиқага деб ҳам ниҳат қилсам бўладими?
Жавоб: Қўрбон ҳайитида қўрбонлик қилин. Қўрбонлик — қодир бўлган кишиларга вожиб амал, ақша эса ихтиёрдир.

Савол: Қўрбон ҳайитида қўрбонлик қилмоқчи эдик. Умуман, оила катта бўлса, қўрбонлик гўштининг ҳаммасини олиб қолса бўладими?
Жавоб: Қўрбонлик қилувчи инсон Аллоҳ таолонинг розилиги учун жонлиқ сўйди. Оила катта бўлса ҳаммасини олиб қолш ҳам жоиз, муҳтож инсонларга ҳаммасини тарқатиши ҳам жоиз.

Савол: Биз кўп қаватли уйда турамыз. Ғайридин қўшниларимизга ҳам қўрбонлик гўштиндан берсак бўладими?
Жавоб: Албатта, бўлади.

Ҳабибулло АБДУРАЗЗОҚОВ,
Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом жомеъ масжиди имом-хатиби.

СИНОВЛИ КҮНЛАР

"Уйда ўтириб қолсам аниқ ишққмас бўламан", деган ҳадик бор эди. Ҳеч ишдан қолмасдим. Карантин сабаб уй-ичимиз билан уйдამиз. Бирон иш қилай десам келиндан ортмаяпти. Авеалига мен ҳам ширин овқатлар пиширишимни айтиб мақтандим. Сўнг келиннинг қўлидан қозон-товоқни олдим. Ош дамладим, салатни ҳам ўзим тайёрладим. Дастурхон атрофида қулоқ тутиб жим ўтирдим: қани нима дейишаркин?.. Ҳар тугул роса мақташди, кўнгул учунми ё ростданми, билолмадим.

Аммо, чини билан ғайратим жўшди, рухландим. Бирдан тандирда нон ёлғим келиб қолди. Уғлимга қараб: "Балки тандир қуриб берарсан-а, бир нон ёпай", дедим. У индамади, мийиғида қулиб қўйди. Биламан ошхонамиз бору тандирга жой йўқ, Лекин...
— Ҳа, нега қулсан? Ростдан нонлар ёлғимокчимиз,— дедим ғайратимни яширмай.
— Қўйсанг-чи, — дедилар дадаси. — Ана, мана демай карантин ҳам тугайди. Кегин тандирой: "Қачон келар экан анави чақон хоним, нон ёлғани?" — деб қутиб умри ўтсинми, — дедилар қулиб. — Газетингчи ўқи, — камига қўшиб қўйдилар.
Доимий ҳаракатда бўлганим боис руҳим енгил бўлса-да, вужудимда оғирлик сеза бошладим. Неварамни эргаштириб ҳовлига чиқдим. Бола баҳонасида ўзим ҳам аргамчи учдим. Бира-ам маз-за эдик, бунинг устига хур-хур шабада ёқимли эсиб турарди.
Илгари кўпма эътибор қилмаган эканман, ҳовлимиздаги гулзоримиз чунонам янашб турибдики, ял-ял очилган турли гуллар янги келиндек чирой очган. Олма, ўрик, шафтоли, гилос ҳаммаси ҳосил тугиб, барглари янашб ажойиб манзара

кашф этганини қаранг. Кўзим тушиб, кўнглим яйради.
Қарасам, томорқада бўш ер қолган, картошка жўяларини юмшатиб устидан қум солиш керак. Енг шимариб ишга киришдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай кўпқаватли уйда яшаб умрида қўлига кетмон олманган ўғлим шерик бўлди. Унинг ортидан Жаҳонгирмироэ эргашди. Анча тер тўкиб ишладик. Занг босиб ётган кетмон ялтиллаб қолди ўзиям.
Бир пайтлар отам раҳматли тўшақли бўлиб ётиб қолгач, жўжабирдек жон — опти болани едириб-қийдириш бир-гина онам раҳматлига қолганди. Опам нимжонроқ қўлганлиги боис бригадир Амн ака менинг номимга меҳнат дафтарча очтирганини айтиб, дарсдан кейин бригадга ишга боришимни тайинлаганди.
Уша дамлар кеч кирганида уйга келиб, овқатимни чала-чулла еб, дарсимни ҳам қилполмай ўрнимга қўзилардим. Томорқа меҳнатидан кейин қотиб ухлаб қоламан,



деб ўйлагандим, аммо сира ухлай олмадим. Зиммамда юк бор-да, онамни эсладим, ишлаб толиқдим демасди, бардошига, сабрига тан бермай иложим йўқ. Эсимда ҳар гал эрталаб турсам қўлларим қафтлари қаварган, баданим зирқарди. Туни билан бемор отамга қараб чиққан онамга билдирмасдан мактабга отланардим ўшанда...
Бу гал ҳам дарров қафтимга қарадим, вужудимга қулоқ тутдим, аммо на қаварганини кўрдим, на танамда оғриқ сездим...
Мохира ШАКАРОВА